

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ
МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ**

100020, Тошкент шаҳри, Обиназир кўчаси, 109-уй.
Tel: (998 71) 202 12-01; Факс (998 71) 202 12-42.
e-mail: info@inspeksiya.uz, www.inspeksiya.uz



**ИНСПЕКЦИЯ ПО КОНТРОЛЮ
ЗА АГРОПРОМЫШЛЕННЫМ
КОМПЛЕКСОМ ПРИ
КАБИНЕТЕ МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100020, город Ташкент, улица Обиназир, дом 109.
Tel: (998 71) 202 12-01; Факс (998 71) 202 12-42.
e-mail: info@inspeksiya.uz, www.inspeksiya.uz

2020 йил « 28 » май. 1312-20-145-923-сон

**Инспекция бошлиғининг
соҳавий ўринбосарларига**

**Марказий аппаратнинг барча
таркибий тармоқ раҳбарларига**

**Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятлар бошқармалари
бошлиқларига**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сонли Қарорига мувофиқ тайёрланган И28-сонли буйруғи маълумот ва ижро учун юборилмоқда.

Мазкур буйруқнинг мазмун-моҳиятини барча ходимларга етказиш ҳамда фаолиятни буйруқ талаблари асосида ташкиллаштиришингиз талаб этилади.

Илова: И28-сонли буйруқ.

**Инспекция бошлиғининг
биринчи ўринбосари**


М.Расулов

0128100

Ижрочи: Н.Ташбаев
Тел: 71-202-12-36
Ички:413



2020 йил “ 27 ” май

БУЙРУҚ № 428

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 17-банди “ж” кичик бандига асосан

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Инспекция бошлиғи ўринбосари И.Хамраев, Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурслари ва ерлардан фойдаланишни назорат қилиш бошқармаси (А.Ташматов), Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш бўлими (В.Ҳасанов) ва ҳудудий бошқармалар:

сувни етказиб берувчи ташкилотлар билан сувдан фойдаланувчилар (истеъмолчилар), сувдан фойдаланувчилар билан сув истеъмолчилари ўртасида юритиладиган сувнинг олди-берди журналларини шнурланган ҳолда Инспекциянинг туманлар бўлимларида рўйхатга олиш тартибини жорий этиш;

икки ой муддатда жойлардаги сув етказиб берувчи ташкилотлар, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари инвентаризациядан ўтказилиб, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланган сув олиш жойларига ҳамда юритилаётган сувни олди-берди журналларига аниқлик киритиш;

инвентаризация натижаларига кўра аниқланган сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган ҳамда сувнинг олди-берди журналари юритилмаган ҳолатлар юзасидан белгиланган жавобгарликлар тўғрисида тегишли (ташкилот, уюшма, фермер хўжалиги ва бошқалар) юридик шахсларни

расман огоҳлантириш, маъмурий жазолар ва жарима санкциялари қўллаш, соҳада қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш ишларини ташкил этиш;

уч ой муддатда сувни олди-берди журналларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмасдан сув олиш ҳолатларига нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш тартиби тўғрисида жойларда ўқув семинар ўтказиш;

сувнинг олди-берди журналларини Инспекциянинг туманлар бўлимларида рўйхатга олиш масаласини тўловлар тўланадиган хизматлар қаторига ўтказиш бўйича таклифларни киритиш;

жойларда сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда сувнинг ҳисоб-китоби юритилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилсин ва жойларда мақсадли ўрганишлар ўтказиб бориш юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари бошлиқлари ҳар чорак якунининг 25 санасига қадар амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни Инспекциянинг Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурслари ва ерлардан фойдаланишни назорат қилиш бошқармасига тақдим этиб борсинлар.

4. Инспекция бошлиғи ўринбосари (Хамраев), Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурслари ва ерлардан фойдаланишни назорат қилиш бошқармаси (Ташматов) ҳар чорак якуни билан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги тахлилий маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласинлар.

5. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (Б.Рахимов) ва Ишлар бошқармаси (К.Бахоров) билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар сувнинг олди-берди журналларини рўйхатга олишнинг электрон дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича таклиф киритсин.

6. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Ш.Бўронов) мазкур буйруқни барча таркибий тармоқларга ва ҳудудий бошқармаларга етказилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Инспекция бошлиғи



А.Вахабов